

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2018 йил „ 22 “ январь № ПҚ-3487 „ _____ “ _____ 20 г.

**Хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналар
фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида**

Хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналарнинг жорий ишлаб чиқариш фаолиятининг узлуксиз амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, уларнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатдошлигини ошириш мақсадида:

1. Мазкур қарорга мувофиқ товарларни (ишлар, хизматларни) харид қилишнинг алоҳида тартиби белгиланадиган, стратегик аҳамиятга эга хўжалик жамиятлари ва корхоналарининг рўйхати иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, қуйидаги тартиб устав фондида (капиталида) стратегик харидорларнинг улуши мавжуд бўлган ташкилотларга ҳам жорий этилади.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналарнинг жорий ишлаб чиқариш фаолиятида ишлатиладиган, суммасидан қатъий назар, энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли орқали, хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналари томонидан тузиладиган ва уларнинг раҳбарлари томонидан бошқариладиган идоравий танлов комиссиялари томонидан баҳоланадиган ускуналар, хомашё, материаллар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмларни, шунингдек, ишлар ва хизматларни харид қилиш, шу жумладан, импорт шартномаларини тузиш ҳуқуқига эга;

эквиваленти 50 минг АҚШ долларидан ортиқ бўлган суммадаги товарларни (ишлар, хизматларни) харид қилишга бўлган техник топшириқлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳаларни бошқариш миллий агентлиги қошидаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш марказида мажбурий келишувдан ўтказилади;

мазкур банд билан назарда тутилган тартибда, энг яхши таклифларни танлаб олиш натижалари бўйича тузилган барча контрактлар, шу жумладан, импорт контрактлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳаларни бошқариш миллий агентлиги қошидаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш марказида мажбурий рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Шу билан бирга ушбу тартиб:

Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларини амалга ошириш доирасида хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналари томонидан амалга ошириладиган товарлар (ишлар, хизматлар) харидларига;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараккиёт жамғармаси ва Ўзбекистон Республикаси кафолатлари орқали жалб қилинаётган кредитлар ҳисобидан молиялаштириладиган контрактларга татбиқ этилмайди.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда хўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналар томонидан қаътияж жорий ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун олиб келинаётган ускуналар, хомашё, материаллар, эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлардан мақсадли фойдаланилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳаларни бошқариш миллий агентлиги директори Ш.М. Содиков зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри